- ҳамда қишлоқ хўжалиги техникалари учун эҳтиёт қисмларга





чегараланмаган миқдорда буюртмалар қабул қилади.

Манзил: Чирчиқ шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 92-уй.
Телефонлар: (271) 5-34-80, 5-36-30, 5-27-08, 5-30-93.
Факс: (271) 6-40-58.

"АВТОАЛОҚА" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БАРЧА АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2006 йил 28 апрель куни соат 10.00 да "Автоалоқа" АЖ акциядорларининг умумий мажлиси ўтказилади.

Керакли ҳужжатлар билан акциядорлар қуйидаги манзилда танишишлари мумкин. Тошкент ш., Беруний к., марказ Ц-27, 42-АТС биноси. Тел.: 144-25-67, 43-89-27.

Кун тартиби:

1. «Автоалоқа» кузатув кенгашининг ҳисоботи.
2. «Автоалоқа» бошқарув раисининг 2005 йил молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.
3. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи, аудитор хулосаси, 2005 йил балансини тасдиқлаш.
4. 2005 йил натижалари бўйича дивидендларни тақсимлаш.
5. Жамият бошқарув раиси билан 2006 йилга ёлланма шартномасини узайтириш ёки бекор қилиш тўғрисида.
6. Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
7. Тафтиш комиссияси аъзоларини қайта сайлаш.

"Автоалоқа" ОАЖнинг 2005 йил баланси

Актив		Пассив	
1. Узоқ муддатли активлар	- 54,7	1. Хусусий капитал	- 115,5
2. Айланма маблағлар	- 68,9	2. Мажбуриятлар	- 8,1
Жами:	123,6		123,6

2006 йил 1 январь ҳолатига кўра молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот

	млн.сўм
1. Соф тушум	124180
2. Ишлаб чиқариш таннархи	108115
3. Солиқлар	4645
4. Тақсимланмаган фойда	2586

Республикамизнинг энг йирик ва нуфузли банкларидан

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«ПАХТАБАНК»

ўз акциядорлари ва мижозларини, бутун Ўзбекистон халқини НАВРЎЗ АЙЁМИ билан қутлайди ва сизларга янги

«НАВРЎЗ» муддатли омонат турини таклиф этади.

Мазкур омонатга маблағлар 2006 йилнинг 22 мартидан 31 мартигача бўлган даврда 2 ой муддатга, йиллик 27 фоиз даромад тўлаш шарти билан камида 100 000 сўм миқдорида банкнинг барча филиалларида қабул қилинади.

Шунингдек, сиз «Пахтабанк» тизимида мавжуд 18 фоиздан 24 фоизгача бўлган 15 турдаги манфаатли омонат турларига маблағлар қўйишингиз ҳамда сўм пластик карточкаларидан фойдаланишингиз мумкин.

Омонатга қўйган пул маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Мурожаат учун телефонлар: 78-20-98, 78-10-32.

«САВДОГАРБАНК»:

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ШЕРИГИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини эркинлаштириш ҳамда ислоҳ қилишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш, тижорат банкларининг мустақиллигини ошириш банклар билан уларнинг мижозлари ўртасида ўзаро манфаатли шериклик муносабатларининг шаклланиши ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришдаги иштирокини янада кенгайтириш имкониятлари белгилаб берилган.

«Савдогарбанк» ана шу ҳужжатлар талаблари асосида иш юритиб, ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик ва ўрта бизнес корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликларига ҳамда якка тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларга кредит ажратиш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга оширмоқда. 2005 йил мобайнида уларга барча манбалар ҳисобидан 6,5 млрд. сўмдан ортиқ, ўз маблағларидан эса 6,3 млрд. сўм миқдорида кредитлар берилгани бунинг тасдиғидир.

Шуниси эътиборлики, бу маблағларнинг 4,4 млрд. сўми қисқа муддатларга, 1,9 млрд. сўми ўрта ва узоқ муддатларга ажратилди. Аниқроғи, 0,6 млрд. сўми қишлоқ хўжалигини кенгайтиришга, 4,2 млрд. сўми аҳолига тоза, сифатли ва бежирим маҳсулотлар етказиб бериш мақсадида савдо хизматларини янгича йўлга қўйишга, 0,2 млрд. сўми янги биноларни қуриш ва таъмирлаш, аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга, 0,4 млрд. сўми бошқа янги тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган. Натижада 595 дан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги «Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 195-сонли қарорига асосан эса банкнинг барча бўлимларида деҳқон ва фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини имтиёзли кредитлаш мақсадида Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ташкил этилган бўлиб, унинг жами маблағлари 719,9 млн. сўмга етказилди. Мазкур жамғарма маблағи ҳисобидан бултур 400,7 млн. сўм имтиёзли кредитлар берилиб, шунинг ҳисобига кичик бизнес субъектларига асбоб-ускуналар, хомашё ва материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, чорва моллари ва парандалар ҳамда бошқа ишлаб чиқариш захираларининг харид қилинишига эришилди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг «Фермерларни, хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик ва ўрта бизнеснинг бошқа субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ана шу хўжалик юритувчи субъектларни ривожлантириш учун кредитга мурожаат қилиш ва кредит олишда, йирик корхоналардан фарқли ўлароқ, кредит аризаларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш кўзда тутилган эди. Шунга кўра, 2005 йил мобайнида банк томонидан тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектлари томонидан тушган 919 та кредит аризаси кўриб чиқилиб, уларга белгиланган муддатларда кредитлар берилди. Ушбу аризаларнинг 853 таси банкнинг ўз маблағи ва қолган 66 таси эса бюджетдан ташқари жамғармалар маблағи ҳисобига кредитлар билан таъминланди.

Банкнинг барча бўлимларида якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда бошқа кичик ва ўрта бизнес субъектларига микрокредитлар ажратишга кенг эътибор қаратилаётгани ҳам ўз самарасини бераяпти. Якунланган йил давомида 303 та кичик бизнес субъектига 0,4 млрд. сўмдан ортиқ микрокредитлар ажратилгани бунга мисол бўла олади.

«Савдогарбанк» жамоаси бундан буён ҳам кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаб, республикамиз иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлаш, корхоналаримизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллаши учун хизмат қилаверади, тадбиркорларнинг эса ишончли шериги бўлиб қолаверади.

ПО "ТАШТЕПЛОЭНЕРГО"

приобретет на конкурсной основе

1. ТРУБЫ СТАЛЬНЫЕ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ И ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ:
57х3,5; 76х4,0; 89х4,0; 114х4,5; 159х5,0; 219х7,0; 273х7,0; 325х7,0; 426х8,0; 530х9,0; 820х10
2. ЗАДВИЖКИ СТАЛЬНЫЕ.
3. ОТВОДЫ СТАЛЬНЫЕ
4. ТРУБЫ КОТЛОВЫЕ
ГОСТ 8732-78: Ø 28х3,0
5. СВАРОЧНЫЕ АГРЕГАТЫ
АДД-4001 с двигателем Д-144
6. ЭКСКАВАТОРЫ
ЭО-2621132; 0,25м3 и "Рачок"

Оплата по перечислению в сумах.

Тел.: 136-17-66, 133-50-14. 90-16-40, Факс 1361724. E-mail:omtsTTE@yandex.ru

Шаҳар марказида жойлашган «ФЕСТИВАЛЬ» РЕСТОРАНИ

қуйидаги тадбирларни ўтказиш учун буюртмалар қабул қилади:

* никоҳ кечалари;
* наҳорги ош;
* банкетлар;
* комплекс тушликлар.

Пул тўлаш — сиз истаган шаклда.

Тошкент ш., Ўзбекистон к., 98-«А»уй. Тел.: 144-26-22, 395-81-23. Мўлжал: Киночилар уйи.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

«ГРАНА» Алтай - Россия

УН ЁРМАЛАР барча навлари

Ун о/н 50 кг, Ун 1-нав Ёрмалар

Энди Ўзбекистонда ҳам

«ГРАНА» - бу экологик тоза маҳсулот сифат кафолати ва Россия бағрикенглиги

Грана

УЛГУРЖИ САВДО

Маҳсулот сертификатланган

Тошкент ш., Архитекторлар кўч., 17. Тел./факс 148-04-01 тел.103-04-39, 343-52-38. E-mail: grana-altay@bk.ru

BELARUS

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий вакили орқали

МТЗ ТРАКТОРЛАРИ, МИНИ ТЕХНИКА

ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

Манзил: Тошкент ш., Братислава к., 11 (мўлжал: Бобур парки).
Тел.: 151-20-33, 151-20-90, факс: 152-73-81.
Сайт: www.uzkam.com e-mail: info@uzkam.com

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕР

AVTODOM PLUS

"ВОЛГА", ГАЗ 31105 — ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли — Газ 32214, "Тез ёрдам" автомобили — ГАЗ 3302, "Сут" автоцистернаси

ГАЗ 3307, "Саноат моллари" фургони — ГАЗ 2752, Инкассация автомобили — ГАЗ-33023, юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли — ГАЗ-330900, чиқинди ташийдиган

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари;
- 3-7 ўриндиқли металл билан копланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли, автогидрокўтаргичлар, автоустаҳоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар, газ баллонлари ташийдиган юк машиналари.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР:
- сут ташийдиган;
- ёнилғи ташийдиган;
- самосваллар.

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Славянские обои

Российский линолеум

Оптовые поставки Versal MKO

Офис: ул. Амира Темура - Эргашева, 1

тел. 134-48-11
факс 134-49-58

Продажа в розницу
Паркентский рынок
Магазин 113
тел. 185-48-11

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Осори-атиқаларимиз



Маълумки, ўзбек халқи бой тарихга эга. Аммо ўтмишимиз сарчашмалари ҳалигача етарли ўрганилмаган. Жаҳон маданиятининг қадимий марказларидан бўлмиш Хоразмдаги Ҳазорасп қалъаси ҳам ана шундайлар қаторига киради.

Ҳазорасп ер юзининг мумтоз шаҳарлари Мемфис, Бобил, Афина, Қуддус, Марв, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимийдир. «Авесто» китобида тилга олинган Аутаспент («Муқаддас олов» шаҳри) Маздуб-Баст (Туямўйин тўғони), Бетнак (Питнак) каби атамалар буни яна бир карра исботлайди.

«Муқаддас олов» қалъаси

Ҳазорасп ўтмишда Хоразмнинг бош мудофаа қўрғони, Буюк Ипак йўлидаги савдо шаҳри бўлган. Қалъа Амударё бўйлаб кетган ва Хоразмни қадимги Бақтрия ҳамда Марв воҳаси билан боғлаган антик давр қалъалари тизимига кирувчи Кангуй даври ёдгорлиги сифатида қадрлидир.

Қалъа ҳақидаги дастлабки ёзма маълумотлар Беруний-нинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида ҳам келтирилган. Машҳур тарихчи ат-Табарий 712 йилда араблар истилосига учраган Хоразмда учта йирик шаҳар: Кат, Гурганж ва Ҳазорасп бўлганлиги, Ал-истаҳрий маълумотларига кўра, қалъа ёнидан бир нечта ариқлар оқиб ўтганлиги ва улардан бирининг номи Ҳазорасп деб аталишини таъкидлаган.

Қалъа мўғул босқинида вайронага айлантирилди. XIII асрнинг ўрталарига келиб, Хоразм воҳаси иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида бироз жонланиш бошланди. Шу даврдан бошлаб Ҳазорасп йирик иқтисодий, маданий марказлардан бири сифатида ўз мавқеини йўқотмади.

Ривожланишнинг янги босқичи XVIII асрнинг 70-йилларидан бошланади. Шаҳар ҳокими Муҳаммад Ниёз Иноқ ташаббуси билан қалъа истеҳкомлари янгидан тикланди. Кейинги йилларда девонбеги Муҳаммад Амин ва Иброҳимхўжа вақтида қалъа атрофидаги деворларнинг бузилган жойлари таъмирланди.

Умуман, Ҳазорасп қалъаси деворлари 7 марта бузилиб қайтадан тикланган. Эндиликда шаҳарнинг шимолий дарвозасида 7 та, жанубида 6 та, ғарбида 4 та ва шарқида 1 та ҳимоя миноралари кўриниб туради. Жанубий деворнинг ўртасида баландлиги 16 ва эни 8 метрлик пишган ғиштдан қурилган дарвоза бўлган. Дарвозадан шаҳарга кираверишда мадраса қурилган. Раҳимқули Иноқ даврида эса қаср қурилади. Ушбу иморатни ўз кўзи билан кўрган рус этнографи А. Кун (1873 йил) сарой хоналарининг ганч билан ишлангани, шаҳарда 8 та масжид, яна шунча мактаб ва мадраса, 400 га яқин катта-кичик дўкон-расталар борлиги, жума ва якшанба кунлари бозор бўлиб туриши ҳақида ёзган.



Халқ орасида тарқалган ривоятларда Ҳазорасп — «Минг от» ёки «Минг отлиқлар диёри» сифатида талқин этилади. Баъзи тадқиқотчилар шаҳар номини ҳазар ва ос қабилалари номи билан изоҳлашга ҳаракат қилганлар. Буларнинг барчаси Ҳазорасп қалъасининг қадимийлигидан далолатдир.

Ўзининг уч минг йилга яқин тарихига эга бўлган Ҳазорасп шаҳри қадимги Хоразмнинг машҳур 5 та йирик қалъаларидан биринчиси ҳисобланган. Бу ерда жаҳон цивилизациясининг илк ўчоқлари шаклланган. С. Толстов, Я. Ғуломов каби забардаст қадимшунос-элшунос олимларнинг атрофлича олиб борган кузатишлари асосида Ҳазорасп Хоразмнинг муҳим стратегик ҳамда маданий аҳамиятга эга бўлган шаҳри ва истеҳкоми бўлганлиги тўла исботланди.

Ҳазораспда ҳозирда Хоразм Маъмун академияси археология, тарих ва фалсафа бўлимининг илмий ходимлари томонидан илмий-тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда.

Ойбек РАҲИМОВ тайёрлади.

Ўзбекистоннинг йирик ва универсал банкларидан

ХАЛҚ БАНКИ

Наврўз байрами

муносабати билан юртимиз аҳлига янги **"БОЙЧЕЧАК"** омонат турини таклиф этади.

Омонатга пул маблағлари уч ой муддатга жорий йилнинг 22 мартидан камида 100 000 сўм, йиллик 28 фоиз миқдорида даромад тўлаш шарти билан Халқ банкининг барча муассасалари орқали қабул қилинади.

Омонатингизни ишончли банкда сақланг ва кўпайтиринг!

Спорт

Ўзбек кураши — Уругвайда

Миллий спорт туримиз — кураш ўз жозибаси, ҳалоллиги билан дунё халқларини ўзига жалб этишда давом этмоқда. Куни кеча Кураш халқаро ассоциацияси қароргоҳига Пан Америкадан хушхабар келди.

Уругвай кураш федерацияси президенти Хусус Гонсалеснинг хабар беришича, шу йилнинг 9-15 апрель кунлари ушбу мамлакатнинг Мерседес шаҳрида биринчи "Экспо спорт" номли фестиваль бўлиб ўтади. Унда Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган спорт турлари билан бир қаторда курашимиз ҳам ўрин олган. Кураш беллашувларида Уругвай спортчилари билан бирга Аргентина, Парагвай, Боливия ва Бразилиядан келган номдор полвонлар гиламга чиқиши кутилаётир.

Ўзбек курашига оид яна бир янгилик: эсингизда бўлса, 2005 йилнинг ноябрь ойида Украина кураш федерацияси расман иш бошлаганди. Бу, ўз навбатида курашнинг мазкур давлатда оммалашувига туртки бўлди. Украина қонунчилигига кўра бирор спорт ташкилоти расман рўйхатга олинишидан олдин камида 14 та минтақада ўз бўлимларига эга бўлиши керак. Кураш эса Украинанинг 18 вилоятида ривожланган.

18-19 март кунлари бу юртда Украина спорт вазирлиги тақвим режасидан ўрин олган биринчи "Бутунукраина" кураш мусобақаси бўлиб ўтди. Хмельницкий шаҳрида уюштирилган мусобақада эркаклар етти, аёллар эса уч вазн тоифасида гиламга чиқдилар. Бу яқинда иш бошлаган федерациянинг энг йирик турниридан бири бўлди.

Украина кураш федерацияси президенти Владимир Мачугиннинг эътироф этишича, бундай мусобақаларни йирик шаҳарларда ҳам ўтказиш режалаштирилган.

Бадиий гимнастикачилар баҳси

Бадиий гимнастика бўйича Тошкент шаҳар биринчилиги якунланди.

Унда саралашдан муваффақиятли ўтган 90 нафар спортчи иштирок этди.

Энг ёш қатнашчилар орасида Тамила Мирзахўжаева, Валерия Давидова ва Марта Растобурова шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олишди. Бошқа ёшдаги қатнашчилар орасида Азиза Мамажонова, Инара Сатарова ҳамда Камила Тўхтаева биринчи ўринни қўлга киритишди.

Гуруҳ мусобақаларида Анастасия Берестецкая, Екатерина Бабина, Раъно Муҳаммедова, Алиса Ажемирова, Зарема Денисляровалар ғолиб чиқишди. Эслатиб ўтамиз, бадиий гимнастиканинг ушбу йўналиши биринчи бор Осиё ўйинлари дастурига киритилган. Жорий йил Қатар пойтахти Доҳада ўтадиган Осиё ўйинларида спортчилар илк бор ушбу йўналиш бўйича ўзаро беллашадилар.

Шоссе велопойгаси

Тошкент вилояти автотрассасида велоспортнинг шоссе тури бўйича Ўзбекистон очиқ биринчилиги давом этмоқда.

Биринчиликда мамлакатимиз спортчиларидан ташқари, Қозоғистон ва Россиядан вакиллар қатнашмоқда.

Мусобақанинг биринчи куни иштирокчилар яккалик пойгада ўз омадларини синаб кўрдилар. Унда тошкентлик Тимур Сайфутдинов маррага биринчи бўлиб етиб келди. Яна бир юртдошимиз Дмитрий Меликов иккинчи, қозоғистонлик Георгий Сагенбаев учинчи ўринни эгаллади.

Оммавий пойгада ҳам Тимур Сайфутдинов энг яхши кўрсаткичга эришди. Кейинги совринли ўринлар қозоғистонлик Медет Абахов ва пойтахтлик Дмитрий Меликовларга насиб этди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан

Халқ ижодиётининг нодир намунаси бўлган бахши шоирларнинг айтишуви, достончилик, фольклор-этнографик гуруҳларнинг чиқишларини бағрикенг далалар, қир-адирларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чироқчи туманининг Ҳайиткўл қишлоғи ана шундай гўшалардан бири. Бу ерлар, айниқса, баҳор пайтида ажиб бир манзара касб этади. Қир-адирлар кўм-кўк ўт-ўланлар билан қопланган. Фестиваль қатнашчилари ва томошабинларни ўз бағрига чорлаган Ҳайиткўл адирлари узра улкан яшил гилам тўшалгандек гўё.

Бахшилар созида она юрт мадҳи

Бахши шоирлар ва фольклор-этнографик жамоаларнинг чиқиши учун танланган жой ҳам ўзига хос. Саҳнанинг уч томони қирлик. Ижрочилар ҳаммага кўриниб турибди. Дўмбира наволари ва бахшиларнинг жарангдор овози қирдан-қирга ошиб, узоқларда акс-садо беради.

— Буни қаранг, Римдаги Колизейнинг ўзгинаси, — дейди фестивали мириқиб томоша қилаётган киши.

— Римда бўлганман. Колизейни ҳам кўрганман, — деб унга эътироз билдиради ҳамроҳи. — Бунинг юздан бирича ҳам чиқмайди. Бунча одамни ҳар қандай стадион ҳам сиғдрира олмайди. Халқимиз бахши шоирларни севади. Бунинг устига Наврўз кунлари эмасми, ҳамманинг кайфияти байрамона. Рости, мен бунча одам тўпланган тадбирни ҳали кўрмаган эдим.

Табиий томошахонада тўпланган минг-минглаб мухлислар, қир-адирлар латофати бахши шоирларнинг завқини оширди, илҳомини тоширди, шекилли, айтишув роса қизиди. Термаларда она-Ватан, мустақил Ўзбекистон, Юртбоши ва юртнинг мард ўғлонлари мадҳи янгради. Ўзбекистон халқ бахшилари — қашқадарёлик Шомурод бахши Тоғаев, Абдуқаҳҳор бахши Раҳимов, сурхондарёлик Шоберди бахши Болтаев, Абдуназар бахши Поёнов, самарқандлик Зиёдулла бахши Исломов бошлаб берган истиқлол мушоирасини ёш, истеъдодли бахшилар давом эттиришди.

— «Бахшили эл — яхшили эл» фестивали Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган тантаналарнинг дебочасидир, — деди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасининг бошлиғи Усмон Нусуров. — Унинг азалий бахшилар юрти — Чироқчи заминида, табиат қўйнида ўтказилгани жуда яхши бўлди. Фестиваль дастурига халқимизнинг қадимий анъаналари, қадриятларига боғлиқ тадбирлар — кураш мусобақаси, кўпкари киритилганлиги ҳам бежиз эмас. Фестиваль томошалари Наврўз тадбирларига уланиб кетди. Бу миллий қадриятларимизнинг илдизи бақувватлигидан, халқимизнинг онгу шуурига сингиб кетганлигидан нишонадир.

Фестиваль якунида бахши шоирлар ва фольклор-этнографик жамоалар қатнашчиларига зарбоп тўн ёпилди. Улардан энг зўрлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди. 12 та йўналиш бўйича ғолиблар аниқланиб, уларга вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Чироқчи туман ҳокимлиги ҳамда ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Чироқчи адирларида янграган дўмбира наволари минг-минглаб одамларнинг қалбида эзгулик туйғулари бўлиб акс-садо берса, не ажаб.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: фестивалдан лавҳалар.

Ж. НОРҚОБИЛОВ олган суратлар.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига !

«ШЎРТАН» ГАЗ КИМЁ МАЖМУАСИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:

Қарши шаҳри, Хонобод кўчасида «Шўртан» ГКМ ишчилари учун 2 хонадонли, 2 қаватли турар-жой биноси қурилиши.
Қурилиш муддати — 240 кун.
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 2.358.216.540 сўм.

Буюртмачи — «Шўртан» газ кимё мажмуаси.
Манзил: Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани.
Телефонлар: (8-375) 221-02-27, 220-70-59. Факс: 221-08-46.

Қурилиш ишларини молиялаштириш «Шўртан» газ кимё мажмуаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малакага, иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида бўш айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига, шартнома (контракт) тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 52-уйда** жойлашган Капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. **Тел./факс: (8-375) 221-07-79.**

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.
Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин Қашқадарё вилояти ҳудудий консалтинг маркази биносида ўтказилади. Манзил: Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 52-уй.

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD

Vinlad — Сделаем жизнь спокойнее!

RUBEZH ADI International

Вид деятельности — проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.

НАДЕЖНАЯ ОХРАННО-ПОЖАРНАЯ СИГНАЛИЗАЦИЯ

Охранно-пожарная контрольная панель управления (пр-ва России) 8-40 зон – от 108 000 сум.

Датчики дымовые оптико-электронные (пр-ва России) – от 10 000 сум.

ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web-site:www.vinlad.com

ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

HYUNDAI

DONGNAMUZ-MOTORS OFFICIAL DISTRIBUTOR OF HYUNDAI MOTOR COMPANY

DONGNAMUZ MOTORS



Address: 8, Afrosiab str., Tashkent
Tel.: (998-71) 152-26-07(08), Fax: (998-71) 152-17-25
E-mail: hdnuz@yahoo.com www.uzbekistan.hyundai-motor.com

Sonata NF
Elantra
Coupe
Santa Fe
Tucson
Terracan
Matrix
H-1 Starex
Grandeur XG

«Саодат» журнали жамоаси Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маъруфовага онаси

Мақсуда ая ШОДМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси «Ёшлар» телерадиоканали катта муҳаррири Умида Каримовага падари бузруквори

ЛУТФИЛЛО ҳожи отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 557. 34883 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Тошириллди — 22.00 1 2 3 4 5 6